



## ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МОЛИЯ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ СОҲАЛАРИДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ

Хикматова Дилдора Шухратовна<sup>1</sup>

e-mail: dildorakhikmatova786@gmail.com

Ўқитувчи-ассистент, Тошкент Амалий Фанлар Университети, Тошкент, 100149, Ўзбекистон  
Республикаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14905431>

**Аннотация:** Ушбу мақолада инновацион иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисоби ва молия соҳаларида иш юритиш, унинг долзарб масалалари, Ўзбекистонда рақамли трансформация тушунчаси, инновацион иқтисодиётда рақамлаштиришни такомиллаштириш механизмлари ёритилган. Инновацион иқтисодиёт концепциялари асосида молия ва бухгалтерия ҳисоби соҳаларини ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг услубий асослари бўйича фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** инновацион иқтисодиёт, иқтисодиётни ривожлантириш, замонавий иқтисодиёт, рақамли трансформация, рақамлаштириш, иқтисодиёт тармоқлари, молия, бухгалтерия ҳисоби, бухгалтер, банк тизими, рақамли технологиялар.

### 1 Кириш.

Бугунги кунда фаолиятнинг турли соҳаларида, хусусан, бухгалтерия ҳисобида илғор ахборот технологияларидан фойдаланиш масаласи тобора муҳим аҳамият касб этмоқда, бу эса ҳар қандай объектни бошқариш тизимининг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Инновацион иқтисодиётнинг ривожланиши замонавий ахборот ва телекоммуникация технологияларини такомиллаштиришни талаб қилади, бу эса бухгалтерия ҳисоби учун янги имкониятлар яратади. Ахборот технологияларидан фойдаланиш харажатларни камайтириш, инсон омили таъсирини камайтириш ва ишни тезлаштириш орқали ташкилотларнинг рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради. Шу билан биргаликда, бозор иқтисодиёти шароитида деярли барча тармоқ ва соҳаларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш тадбирларининг кенг кўламда амалга оширилиши рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтирмоқда. Дунё иқтисодиётининг юқори суръатларда ривожланиши ҳамда унинг хусусиятлари корхона фаолиятининг профессионал ёндашувини талаб қилади.

Республикамызда давлат ва жамият тараққиётини янада жадаллаштириш мақсадида, ҳукуматимиз томонидан бир қанча муҳим қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йилга "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили", деб ном берилиши, Президентимизнинг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349 сонли "Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3832 сонли 03.07.2018 қарори, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 августдаги рақамли иқтисодиётнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб берадиган "Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорларининг қабул қилиниши республикамызда рақамли иқтисодиётни давлат бошқарув тизимига тадбиқ қилиш, замонавий ахборот технологияларни жадал ривожлантириш учун шароитлар яратиш, ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун қонуний асос яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йил 12 май куни тасдиқланган «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси»да замонавий ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, тижорат банкларининг бизнес жараёнларини компьютерлаштириш ва масофавий банк хизматларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш каби устувор вазифалар белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида Инновацион



иктисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат компанияларини рақамли трансформация қилишни жадаллаштириш кераклигини таъкидлаб ўтган эди. Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, шу жумладан электрон давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги Фармони билан "Рақамли Ўзбекистон – 2030" стратегияси тасдиқланган. Стратегия БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари ва электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтингида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, рақамли технологияларни янада кенг жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилади ва унда рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари ҳамда ўрта ва узоқ муддатли истикболли вазифалари белгиланган. Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, шунингдек 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, ма'рифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6079 сонли фармони қабул қилинди. Фармонга кўра, мамлакат иқтисодиётини рақамли иқтисодиётга ўтказиш белгиланган. Рақамли иқтисодиётнинг устувор йўналишлари сифатида куйидагилар, яни саноат корхоналарида замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш дастурларини ушбу корхоналарни технологик қайта жиҳозлаш дастурлари билан уйғунлаштириш, корхона таъминотининг барча босқичларини автоматлаштириш ва бошқаришни таъминлаш, шунингдек, бу орқали логистика ва харид харажатларини қисқартириш, инновацион автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш бўйича норматив ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва бошқа чора-тадбирлар белгиланган.

## **2 Тадқиқот методологияси**

Рақамли технологияларни инновацион иқтисодиётнинг барча жабҳаларига фаол жорий этиш шароитида ҳар қандай корхонанинг моддий ва молиявий оқимларини бошқаришни автоматлаштиришнинг асосий вазифаси сифатида бухгалтерия ҳисоби ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва яратиш катта аҳамиятга эга. Бухгалтерия ахборотларини рақамли технологияларга трансформация қилиш, яъни бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш — бу тадбиркорлик ва бошқа ташкилотлар фаолияти тўғрисида миқдорий иқтисодий маълумотларни олиш учун маълумотларни доимий равишда қайд этиш ва таҳлил қилиш имконини берувчи дастурий воситалар тўплами ёрдамида ҳисоб ишларини амалга ошириш ва ҳисоботларни тайёрлаш жараёнидир. Бу эса оддий бухгалтерия ҳисобини «янгича бухгалтерия ҳисоби» ёки «рақамли бухгалтерия ҳисоби»га ўзгартириш заруратини юзага келтиради. Бир ҳисобдан янгича қарашлар, келажак талабларига жавоб бера оладиган молиявий ахборотлар тизимини яратиш бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи эволюциясини чуқур ўрганишга олиб келса, уларни автоматлаштиришни даврлаштириш эса рақамли технологиялар ёрдамида келажакдаги ривожланиш тенденцияларини олдиндан кўра билиш, янги ҳисоб объектларини аниқлаш ва ҳисоботларнинг янгича моделларини таклиф қилиш имкониятларини очиб беради.

Рақамли технологияларнинг ҳаётимизда кенг жалб этилиши глобал ахборот маконини яратганлигига қарамасдан бухгалтерия ҳисоби тарихини ўрганиш уни тадқиқ этишда ҳали ҳамон турфа хил қарашлар ва номунатонисбликлар мавжуд бўлиб, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг тарихий эволюциясини тадқиқ этиш бугунги кунда ҳам долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бухгалтерия ҳисоби турли хил ва кўплаб бизнес операцияларининг тизимли ва долзарб ёзувларини тақдим этишда муҳим роль ўйнайди. Унинг мақсади молиявий операцияларни амалга оширишда таҳлил қилиш, уларни тартибли равишда қайд этиш, маълумотларни фойдали ва тушунарли молиявий ҳисобот (баланс, даромадлар тўғрисидаги ҳисобот) бўйича гуруҳлаш ва тартибга солиш ва талқин қилиш жараёнида ёрдам беришдир.

## **3 Таҳлил ва Натижалар**



Бухгалтерия - бу хизмат фаолияти. Унинг вазифаси иқтисодий қарорларни қабул қилишда, муқобил ҳаракатлар йўналиши бўйича оқилona танлов қилишда фойдали бўлган иқтисодий субъектлар тўғрисида микдорий маълумотларни, биринчи навбатда молиявий характердаги маълумотларни тақдим этишдир. Бухгалтерия ҳисоби - бу барча иқтисодий ўзарo таъсирларни узлуксиз ва ҳужжатли ҳисобга олиш усули билан мавжуд мулк, ташкилотнинг мажбуриятлари ва пул оқимлари тўғрисидаги маълумотларни пул кўринишида тўплаш, рўйхатдан ўтказиш ва умумлаштиришнинг ягона тизимидир. Бухгалтерия ҳисоби янада фойдали бўлиши учун ажралмас ахборот тизимида турли хил маълумотларни тақдим этиши керак. Бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади турли хил молиявий ҳисоботлар орқали тақдим этилган бухгалтерия маълумотлари асосида турли масалалар бўйича қарор қабул қилишдир. Бухгалтерия ҳисобининг пайдо бўлганлигига бир неча минг йиллар бўлганлигига қарамадан ҳисоб ишларининг ривожланиши асосан сўнгги 500 йилликка тўғри келмоқда. Яқин беш аср давомида бухгалтерия ҳисобининг мақсади, методологияси ва ҳисоб юритиш усуллари кенг камровда такомиллаштирилди. Хўжалик юритувчи субъектларда фаолиятининг кенгайиши, давлатлараро савдо муносабатларининг такомиллашуви шунингдек, инсон ҳаётига ахборот технологияларининг кириб келиши саноатда инқилобий ўзгаришларни юзага келтирди. Бу эса бухгалтерия ҳисоби шакллари ва методологиясига таъсир этмасдан қолмади.

#### 4 Мухокамалар

Инновацион иқтисодиётда рақамли трансформация замонавий бухгалтернинг имкониятларини кенгайтirmoқда, бухгалтерия ҳисоби сифати ва тезкорлигини оширади, турли хил ҳисоб-китобларни интеграциялашнинг замонавий инновацион ёндашувларини шакллантиради. Бу шуни англатадики бухгалтерия ҳисоби методологиясида технологик ИТ-янгиликлардан фойдаланиш уни ташкил этиш шаклини ўзгартиради, ходимларнинг касбий малакаси ва жавобгарлик даражасини оширади, ахборотни қўллаб-қувватлаш тизимини сифат жиҳатидан янги шаффофлик, хавфсизлик, самарадорлик, долзарблик даражасига олиб чиқади. Ҳужжат айланишини яхшилаш учун ИТ инновацияларидан фойдаланиш айниқса муҳимдир. ИТ технологиялар туфайли кўплаб бухгалтерия вазифалар ҳал қилинди.

- Ахборот оқимларини тўплаш, гуруҳлаш ва тартиблаш;
- Ахборотга тезкор кириш ва етказиб бериш;
- Маълумотни қабул қилиш ва уни маълумотлар базасига киритиш оралиғини қисқартириш;
- Бухгалтерия ҳисоби ва қарорларни қабул қилиш жараёнларидаги хатолар хавфини камайтириш;
- Ҳисоботларни автоматик ишлаб чиқариш

Рақамли иқтисодиёт – ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари ва воситалари рақамли маълумотлар (иккилик, ахборот ва ҳ.к.) ва тармоқ транзакциялари, шунингдек улардан фойдаланиш самарадорлиги ва унумдорлиги ва таннархини сезиларли даражада ошириши мумкин бўлган ресурс сифатида фойдаланиш бўлган иқтисодиёт тури. Ушбу соҳадаги тадқиқотларнинг долзарблиги, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби техник ва кўп функцияли электрон ахборот муҳитида "тарқалиши" туфайли молиявий маълумотларнинг асосий провайдери сифатида ўз мавқеини йўқотиш хавфи билан боғлиқ. Бугунги кунда мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобини юритишда бир қанча дастурий таъминотлардан фойдаланилмоқда, жумладан 1 uz, 1c, uzasbo, estat дастурлари ва бухгалтерия ҳисобининг айрим объектлари учун my.soliq.uz, faktura.uz, Internet-Banking, didox.uz сайтларидан фойдаланиб келинмоқда. Мамлакатимизда инновацион иқтисодиётни рақамлаштириши натижасида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг қуйидаги усуларидан фойдаланиш мумкин:

- 1 uz, 1c, uzasbo, estat каби дастурий таъминотларни маълумотлар базасига улаш орқали фаолиятни юритиш;
- булутли технологиялардан фойдаланиш Google drive (disk), Yandex disk, Onedrive, Dropbox технологияларидан фойдаланиш;
- Blockchain технологиясидан фойдаланиш.



## 5 Хулоса

Шундай қилиб, бизнингча инновацион рақамли трансформация шароитида бухгалтерлар ҳисоби ва ҳисоботлари кўплаб талаблар қўйилади, қолаверса ушбу фаолият билан шуғулланувчи шахслар кўплаб функциялар ва кўникмаларни билишлари талаб этилади шуни ҳисобга олиб қуйидаги фикрлар ўринли деб ҳисоблаймиз:

- бухгалтерлар бу иктисодиёт, бухгалтерия ҳисоби, жамият фаолиятининг ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатлари бўйича профессионал фикрларнинг умумий концепсиясига асосланади;
- кўплаб бухгалтерлар ҳисоби ва ҳисоботлари асосий фойдаланувчилари солиқ идоралари ҳисобланади бу ўз навбатида кўпроқ бошқарув қарорларининг солиқ тўлаш ва унинг ҳисоботларини шакллантиришга сабаб бўлади;
- бухгалтерия ҳисоботлари бу бизнесни ривожлантириш масалалари, шунингдек, айрим бошқарув қарорларининг потенциал натижалари бўйича таҳлил ва эксперт хулосалари учун манбадир;
- бухгалтерлар ҳисоби ва ҳисоботлари бу корхонанинг жорий ва келажакдаги фаолиятини таҳлил қилишга имкон яратади;
- рақамли иктисодиёт шароитида ҳар бир бухгалтерия ҳисоботлари албатта электрон шаклда шакллантирилади ва тақдим этилади;
- рақамли иктисодиёт шароитида бухгалтерлар ҳисоби ва ҳисоботларини шакллантириш ва тақдим этишда энг илғор маҳаллий ва хорижий ахборот технологияларидан фойдаланишни талаб этади;
- рақамли иктисодиёт шароитида янги назарий изланишларни, бухгалтерия ҳисобини ривожлантиришни ва такомиллаштириш усуллари ишлаб чиқишни тақозо этади.

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, бугунги кундаги шароит айниқса рақамли иктисодиёт бухгалтерларнинг фаолияти ҳамда бухгалтерия сиёсатини шакллантиришга янгича воқеликларни олиб келади ва компаниянинг иктисодий фаолияти фактларини таснифлаш таъсир этади иш фаолиятини соддалаштиради қисқартиради. Ушбу жараёнлар замонавий маълумотларни қайта ишлаш усуллари моҳиятининг алгоритми ва иктисодий мазмунини тушунадиган мутахассислар томонидан профессионал фикрлаш орқали амалга оширилади. Бизнинг одатий маънода «бухгалтер» касби ўтмишда қолади, унинг ўрнини молиявий таҳлилчи, назоратчи функцияларига эга бўлган малакали мутахассислар эгаллайди. Бундай мутахассислар бизнес учун стратегик ечимларни тавсия қилишлари мумкин бўлади. Янги касб эгаси Молиячи, бухгалтер, таҳлилчи ва аудитор функцияларини бирлаштириши - бу келажак талабидир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли иктисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 28.04.2020 йил ПК4699-сонли.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 19.02.2018 йил ПФ-5349-сонли.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Рақамли Ўзбекистон —2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 05.10.2020 йил ПФ-6079-сонли.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 — 2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 28.01.2022 йил ПФ-60-сонли.
5. Бакстер, Н., Бэррел, Т., Вэйнс, Г., Воропаев, Ю., Евстафьев, Д., Ермилов, В., Эвод, Э. (2001). Банковское дело: стратегическое руководство.



6. Бухгалтерия ҳисоби назарияси [Матн]: дарслик. Т.Тошмаматов. — Тошкент: «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти» нашриёти, 2019. - 376 бет.
7. Раззакова, Д. А. Қ. (2021). Рақамли иқтисодиёт шароитида Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштиришнинг роли ва аҳамияти Ссиентифис прогресс, 2(8), 243-249.
8. Кудбиев, Д., Турсунова, Д., Кудбиев, Н. (2022). Бухгалтерия Ҳисобини Автоматлаштириш Масалалари. Journal of Integrated Education and Research, 1(2), 107- 112.
9. Раззакова, Д. (2022). Системы Автоматизации Бухгалтерского Учета Основа Эффективного Управления Экономикой. Central Asian Journal of Theoretical and Applied Science, 3(5), 62-67.
10. Олимов, Анваржон Атамирзаевич, and Шаходатхон Фарход Қизи Фотихова. "Рақамли иқтисодиёт ва рақамли бухгалтерия." Science and Education 3.4 (2022): 1841-1847.
11. Амонов, А. А. (2023). Рақамли иқтисодиёт шароитида судбухгалтерия экспертизасини тайинлаш зарурияти ва унинг аҳамияти. Экономика и социум, (2 (105)), 444-450.
12. Примова Н. Рақамлаштиришнинг бухгалтерия фаолиятига таъсири //Engineering problems and innovations. – 2023.
13. Р.Ташмурза, И.Олмос (2022). International Standards Association Improves Accounting for Small Businesses and Private Enterprises. The Journal of Economics, Finance and Innovation, 1(1), 74-81.